СССР Давлат китоб палатасининг Ўзбекистон палатасидаги 4089

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 30 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 58 (6954)

Da'vat

Адолат — давлатнинг бузилмас пойдеворидир.

Пиндар.

Ibrat

Яқинда Буюк Британиянинг Узбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Хей хоним жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг «Бизнес олами» уқув марказига телевизор ва видеомагнитофон совға қилди. Бу билан у бўлғуси мутахассисларнинг инглиз тилини эгаллашдек, катта ишига уз улушини қўшди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига мувофиқ Виль Савельевич Беганов Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилишида ушбу анжуманга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Икки йил муқаддам Тошкентда мамлакатимиз Қуролли кучлари академияси ташкил этилган эди. Марказий Осиёда ягона бўлган бу ҳарбий олий ўқув юртининг биринчи битирувчилари диплом олишди.

JUMLADA JAHON

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантиришнинг биринчи ярим йиллик якунларига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.

Озарбойжон Президенти Ҳайдар Алиевнинг ўн кунлик АҚШга илк бор расмий ташрифи давомида бир талай расмий ҳужжатлар, жумладан, нефть маҳсулотлари етказиб бериш, олтин қазиб олишда ҳамкорлик қилиш борасида ўзаро шартномалар тузилиши кутилмоқда.

АҚШнинг Нью-Йорк штатида жойлашган Жаҳон банки Озарбойжондаги иқтисодий ислоҳотларни фаоллаштириш мақсадида бу мамлакатга 70 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратди.

Исломободда Покистон билан Туркманистон ўртасида келаси йилдан бошлаб қурилажак, умумий баҳоси 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг «Туркманистон — Афғонистон — Покистон» йўналишидаги газ қувури қурилишини бошлаш тўғрисида шартнома имзоланди.

Мактаб, дарслик, ўқувчи. Булар худди бир ипга тизилгандек. Мактаб ўқувчининг дарсликларни ўрганиши учун муҳит ва замин яратади.

Янги ўқув йили яқин. Таълимни тубдан ислоҳ қилиш учун ҳар йили мактаб дастурларига у ёки бу фан бўйича янги дарслик ва қўлланмалар жорий қилинмоқда. Хўш, 1997—98 ўқув йилидан эътиборан умумтаълим мактаблари қандай янги дарсликлардан фойдаланишлари керак? Республика Таълим маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Ғайрат Шоумаров билан уюштирилган суҳбат ана шу мавзуга қаратилган.

Yangi o'quv yiliga tayyormisiz?

ЯНГИ ДАРСЛИКЛАРНИ ОЛДИНГИЗМИ?

— Ғайрат ака, галдаги ўқув йили учун мўлжалланаётган янги дарсликларнинг салмоғи қандай деб ўйлайсиз?

— Яъни сифат ва миқдор кўрсаткичлари демоқчисиз-да. Бу талаб ва эҳтиёж билан боғлиқ. Бир жиҳатдан шароитни ҳам ҳисобга олишимизга тўғри келади. Республика Халқ таълими вазирлиги буюртмасига кўра 1997—98 ўқув йили учун 186 номдаги дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш режалаштирилган эди. Шулардан 36 номдаги дарслик таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг бошланғич синфларига мўлжалланган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидадир. Муаллиф Ҳ.Неъматов ва бошқаларнинг 5-синфларга мўлжалланган «Она тили» синов дарслиги чиқарилди.

— Шароитга урғу беришингиз тўғри. Ҳозир бозор иқтисодиёти даври.

Бу маълум маънода иқтисодий таълимга ҳам бирмунча янгиликлар олиб кириши тақозо этади.

— Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 15 июль 252-рақамли «Республика таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарори асосида миллий ва минтақавий анъаналарни ўзида мужассам этган янги дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, чоп этиш, уларни амалиётга татбиқ этиш марказимиз жамоасининг иш режасига айланган. Умуман, республикамиз мустақилликка эришгандан бери муаллифларимиз томонидан 103 номдаги оригинал дарсликлар ва ўқув қўлланмалари юзага келди.

Иқтисодий таълим чиндан ҳам муҳим. Ўтган ўқув йилида Зуҳра Валиева ва Ёркин Муҳибовларнинг «Иқтисод алифбоси» иккинчи синф ўқувчиларининг қўлига теккан эди. Бу йил эса худди ана шу дарслик биринчи синф ўқувчиларини хурсанд қилади. Бундан ташқари, Э.Сариқов ва М.Маматов муаллифлигида 9—11-синф ўқувчилари учун «Иқтисодиёт ва бизнес асослари» дарслиги, амалий машғулотлар тўплами ҳамда ўқитувчилар учун услубий кўрсатма мажмуалари чоп этилди.

— Таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун ҳам янгиликлар борми?

— Ўқиш рус тилида олиб бориладиган умумтаълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари учун муаллиф М.Тўхтахўжаева раҳбарлигида «Букварь» дарслиги ҳамда унга илова тарзида уч қисмли «Прописи» методик қўлланмаси, шунингдек, ўқитувчилар учун ўқув мажмуалари тайёрланди. Шунингдек, таълим қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб бориладиган илм масканлари учун «Ўзбекистон» нашриётида 50 номдаги дарсликлар нашр этилянти. Таълим қорақалпоқ тилида олиб борилаётган мактабларнинг бошлангич синфлари учун «Билим» нашриёти томонидан 34 номдаги лотин алифбосида тузилган янги дарсликлар нашри охирлаб қолаёзди.

— Махсус таълим муассасалари учун ҳам ул-бул яратилдими?

— Ақли заиф, кўриш, эшитиш қобилияти суст, болалиқдан ногирон таълим муассасалари ҳам назаримиздан четда эмас. Ақли заифлар учун М. Худойберганованинг «Она тили» дарслиги илк марта 2-синфлар учун мўлжалланмоқда. Эшитиш қобилияти суст 1-синф ўқувчилари учун М. Шомуродованинг «Ўқиш китоби» жорий этилади.

— Хўш, бу дарсликларни олис вилоятларга, чекка-чекка қишлоқ мактабларига етказиш масаласига қандай қарайсиз?

— Дарсликларни тузиш, ишлаб чиқариш учун қанчадан қанча муаллифларнинг қалб кўри тўкилади. Босмахонадаги жараёнлар осон кечади деб ўйлайсизми? Буни кўпчилик ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди. Барча дарсликлар тасдиқланган тақсимот асосида «ЎзТошкитоб» ҳиссадорлик жамияти ва Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг «Таълим таъминот» бош бошқармаси орқали вилоятларга етказиб берилиши керак. ТХТ бўлимлари ва ВХТБлари бундан огоҳ бўлган ҳолда ўз ҳудудларидаги тегишли идоралардан дарслик ва қўлланмаларни талаб қилишга, сўрашга ёки қўшимча равишда буюртма беришга ҳақлидирлар.

— Дарсликлар тўғрисида қисқа ва батафсил маълумотлар берганингиз учун сизга раҳмат!

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди.

Taklif

ЎҚИШ — КЎНГИЛХУШЛИК ЭМАС

Ҳар йили мамлакатимизнинг турли билим даргоҳларини кўплаб ёшлар битириб, мутахассислиги бўйича ишлаш учун йўлланма оладилар. Аммо ана шу ёш мутахассисларнинг барчаси ҳам ўз касби бўйича ишлайдими? Афсуски, худди шу ўринда «аттанг», дейишдан ўзга илож йўқ. Давлатимиз ёшларни ўқитиш, ўқиш мобайнида ижтимоий ҳимоялаш учун қанчалик кўп маблағ сарфлашини ўша ёшлар билишармикан? Агар билишса, давлатнинг бу пуллари осмондан тушмаётганини, меҳнаткаш халқимизнинг пешона тери билан топилаётганини ўйлаб кўришармикан...

Бир йиғинда кўринишидан зиёли аёл билан танишиб қолдим. Менинг бир дўстим билан университетнинг ҳуқуқшунослик бўлимида бирга таҳсил олишган экан.

— Ҳозир қаерда ишлайсиз? — деб қизиқдим.

— Дипломни олдиму сепсандиққа жойладим. Поччангиз катта жойда ишлайдилар. Ишлашимни хоҳламади. Ўртоқлари ҳам хотинларини ишлатмас экан. Ишламасак ҳам кўриб турибсизки, бировдан кам жойимиз йўқ, — деди ғурурланиб.

— Ахир ўқишнинг ўзи бўлмайди. Ота-онангиз сизни ўқитаман деб маблағ сарфлагандир. Қолаверса, давлатимизнинг сизга ўхшаганларни ўқитишдан мақсади шу бўлмагандир, ишламас экансиз, ўқиб овора бўлибсизда, аттанг, — дедим.

Бу гапимга ҳам аёл кутилмаган бир жавоб берди:

— Нега афсус дер эканман. Беш йил ўқибмизми, беш йил ўйнадик, кулдик, кўнгил хушлик қилдик. Мен учун адамнинг червонлари ўқиган. Биз эса ўқимишли, маданиятли деганом олдик. Қолаверса, ойим эшигимизга келган совчиларга қизим палон жойда ўқийди деб мақтаниши керакмиди? Эримнинг қариндош-уруғлари ичида келин ўқимишли экан деган ном-чи? Бу кимга ёқмайди. Ана кўрдингизми, ишламасак ҳам вақтида ўқиганимиз бизга қанча обрў келтирди, — деди гўё мен анқовга яхшилаб гап уқтирган кишидай.

Мана, унинг фалсафаси. Афсуски, ёшларимиз орасида шу хилда фикр юритадиганлари, ана шундай кайфиятдагилари ҳам бор экан. Хўжакўрсинга, мақтаниш, обрўланиш учун фарзандини, айниқса, қизларини ўқитадиган одамлар ҳам учраб туради. Шундай экан, бу иллатлар йўлига тўсиқ бўла оладиган қоидаларни ишлаб чиқиш вақти

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Ўзбекистон ҳурриятга эришгач, ўзининг келажаги бўлмиш иқтидорли болаларга эътиборни кучайтирди. Янги турдаги ўқув муассасаларининг пайдо бўлиши ана шу эътибор натижасидир.

Ўтган йили Республикамизда 278 та лицей фаолият кўрсатган бўлса, бу йил уларнинг сони 304 тага етиши кутилмоқда. Яна бир ўзига хослик: лицейларга қабулда ҳам конкурс жуда катта. Лицейларимизнинг бирида бир ўринга 30,4 талабгор тўғри келди. Лицей битирувчиларининг 80-100 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришмоқда.

Гимназияларимизнинг сони ўтган йили 151 та бўлса, бу йил 194 тага етиши кутилмоқда.

БЕРУНИЙ МАЪРИФАТИ
3-бет.

ЯНГИ ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА «ИСҲОҚОВ» ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?
3-бет.

ҒИРРОМ «ЙИҚИТИШ»
4-бет.

Nuqtai nazar

БОЛА ТАЪТИЛДА НИМАНИ ЎҚИЙДИ

ёхуд шахсий ибрат ҳақида сўз

Мана ҳозир ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари давом этяпти. Ўқувчилар сўлим масканларда ҳордиқ чиқариб, турли мусобақаларда қатнашмоқдалар. Айримлари эса бозорда қайси биридир «муздек айрон», яна бири «яхна чой» сотиш билан овора. Ўз молини мақтаб сотаётган, тили бийрон болакайларга қараб тан бергингиз ҳам келади. Начора, бу ҳақда кўп ёзилди, кимдир боланинг бозорга чиқишини оқласа, кимдир қоралади. Биз фикр юритмоқчи бўлган мавзу эса катталарга, ота-она ва устозларга тегишлидир.

Муҳтарам ота-она! Фарзандингиз бозорга чиқаяпти, озми-кўпми пул топиб келяпти. Бундан шодсиз. Аммо унга ҳалол ва ҳаром ҳақида, савдо-сотиқ одоби ҳақида тушунча бераяпсизми?

Азиз ёш муаллим! Сиз дарсингизда, тарбиявий соатларда Кайковуснинг «Қобуснома» асаридан қуйидагиларни ўқиб бераяпсизми?

«— Эй, фарзанд, ҳар ҳолда тижорат ва бозоргонлик пеша ҳисобида эрмасдур, аммо уни яхши саноат деса бўлур, чунки ҳақиқатда унга назар қилсанг, унинг расм-русуми худди пешавор (ҳунармандларнинг расм-русумига ўхшашдир. Улуғлар дебдуларки, бозоргонлик ақлсизлик асосига, фойда топмоқ тартиби ақл асосига қурулмиш...»

Биз катталар бозорга чиқаётган ва ўзи сезмаган ҳолда хатога йўл қўяётган болажонларимизда китобга ҳавас уйғотяпмизми? Тўғриси, бундай болаларда китобга қизиқиш йўқ, улар пулга ўрганган деб хулоса чиқариб қўямиз, холос. Ваҳоланки, уларнинг қизиқишларига мослаб бадиий адабиётлар топиб берсак, улар ўқимайдими? Албатта, ўқийди. Фақат биз катталарда ҳафсала, масъулият бўлмоғи лозим. Синфда 30 ўқувчи бор, дейлик. 10 таси бозорга чиқсин. Агар уларга ушбу сатрларни ўқиб берсак, ҳеч бўлмаса икки-учтаси унга амал қилса, фойдами, зарарми?

«— Бас, эй фарзанд, хиёнатдан қочгилки, ҳар киши бир мартаба хиёнат қилса, унга ҳеч одам асло эътимод қилмас. Ростликни пеша қилки, норостлик улуғ қароқчиликдур. Олғувчи одамга ёлғон сўз демағил ва агар сўз десанг, рост сўзни айтғил. Муомалада олмоқ ва бермоқ ҳужжатиға огоҳ бўлғил...»

Биз катталар шундай китоблардан ўқиб берсак, савдо-сотиқ ишлари ва одоби билан таништирсак, ўқувчиларимиз оддий бозорчидан келажакда савдогарликни ҳунар даражасига кўтара олган тадбиркорга айланади. Зеро, «Қобуснома»да таъкидлаганидек:

«— Бу ишда ҳеч гуноҳ, бадномлик бўлмағусидир ва ҳеч одам бу бобда сени бахил одам деб ўйламас, недилким бу иш кадҳудолик зарурати жумласидандур ва бахилликдин

(Давоми 2-бетда).

МММ — ХАБАРЛАРИ

КИТОБХОНЛАР КЎПАЙМОҚДА

Фарғона вилоят ХТБ бошлиғи Т. Курбоновнинг ташаббуси билан вилоятда китобхонлар кўрик-танлови зўр ташкилий ишлар билан ўтказилмоқда.

Яқинда туман мактаблари ўртасида кўрик-танловларнинг голиблигини қўлга киритган Қўқон шаҳрининг «Ёғду», Бешариқ туманининг «Маърифат», Фурқат туманининг «Зиё», Ўзбекистон туманининг «Нур», Данғара туманининг «Ҳумо» жамоалари Қўқон шаҳридаги 3-мактабда йиғилишиб ўзаро куч синашдилар.

Барча гуруҳ аъзолари ўзларининг зукколиги, билими, китобхонлик савияси билан тадбирдан кўзланган асосий нарсани, яъни болалар ўртасида китоб ўқишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигини намойиш этишди.

Маърифат ҒАНИЕВА.

АЛОҲИДА ҒАМХЎРЛИК

Асака тумани халқ таълими ходимлари касаба уюшма қўмитаси соҳа ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор билан қарашмоқда. Масалан, халқ таълимининг 70 нафар фидойи ходимига 35 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Яна 12 нафарининг эса Республика санаторийларида дам олиб қайтишида ҳомийлик қилишди.

Ш. КЕЛДИЕВ.

«БУХОРИЙЛАР БЎСТОНИ»

Бухоролик таниқли шоир Самандар Воҳид таржима қилган ва тартибга келтирган шу номли китоб яқинда босмадан чиқди.

Унда X—XX асрларда Бухоро заминида яшаб ижод этган Рудакий, Носир Бухорий, Мушфиқий, Мирзо Содиқ Мунший, Аҳмад Дониш сингари ўттиз нафар сўз санъаткори ижодидан намуналар ўрин олган.

Китоб Бухоро адабий муҳитининг ўн асрлик даври ҳақида ўқувчиларга қизиқарли, чуқур маълумотлар беради. Айни пайтда у Бухоронинг 2500 йиллик тўйига ажойиб совға бўлди.

Дилмурод ЖАББОР.

БАЙРАМГА МУНОСИБ СОВҒА

Яна бир ойдан кейин Республикамиз мустақиллигининг қутлуғ 6 йиллиги зўр тантаналар билан нишонланади.

Ушбу байрам арафасида Қумқўрғон ХТБ раҳбарлари ва мактаб директори ташаббуси билан 19-ўрта мактабда мустақилликни акс эттирувчи музей ташкил қилинди.

Музей мамлакатимизнинг бой ўтмишини, яқин истиқлол одимларини ҳикоя қилувчи экспонатлар билан бойиб бормоқда.

Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.

(Боши 1-бетда).

эрмасдур. Бу ишда ҳеч айб йўқдур. Кадҳудоликка зарар етмасин десанг, шундай тадбир қилғилки, харжингдан зиёда бўлсин, токи кадҳудолигингга халал етмасин».

Фикримизча, бундай китоблар ўқувчини ҳам тарбиялайди, ҳам китобга меҳрини оширади.

Биз катталарнинг яна бир камчилигимиз 3 ойлик таътил давомида ўқувчиларимизни дарслик ва бадиий адабиётлардан батамом ажратиб қўяр эканмиз. 24 майдаёқ дарсликлар йиғиб олинади, бадиий адабиётлар топширилади. Кутубхоначи синф раҳбаридан, синф раҳбари эса ўқувчидан китоб талаб этиб, дарсликларни йиғиб олишади. Энди ўқувчи қўлига сентябргача китоб олиш имкони йўқ. Атрофида эса кутубхона йўқ, бор бўлганда ҳам у ерда янги адабиётлар кам. Нима қилиш керак?

Яхшиси, таътилда бадиий адабиётларни зах омборхоналарда 3 ойлаб сақламай, талабгорларга 10-15талаб бериб юбориш керак. Улар таътилда ўқисин, мулоҳазаларини дафтарга ёзиб борсин. Дарсликларни ҳам келгуси йил учун синф раҳбари сентябрда эмас, майда тарқатсин. Токи ўқувчи сентябргача дарсликларни варақлаш имконига эга бўлсин.

Бизнинг ўқувчилик давримиз 70-йилларга тўғри келган. Таътилда дарсликлар сотиларди, тезда сотиб олиб ҳавасга янги китобларни ўқирдик. Сентябргача адабиёт дарсликлардаги шеърларни ёдлаб, ҳикояларни ўқиб чиққан бўлардик. Устозларимиз эса бундан хурсанд бўлиб, дарсликдан ташқари кўплаб мавзуларни ўтиб беришарди. Балки шундан ўша вақтларда китобга интилиш кучли бўлгандир.

Демак, барча айбни ўқувчига қўймай, ўзимизга ҳам назар ташлайлик. Биз кўп ўқисак, ибрат кўрсатсак, ўқувчимиз ҳам ўқийди. Биз кутубхонага борсак, улар ҳам эргашади. Биз газета-журналга обуна бўлсак, улар ҳам баҳраманд бўлишади. Ахир, устоз, ота-она фарзанд учун ибрат мактабику!

Келинглар, ўқувчиларга «100 марта ўқи» демай, ўзимиз намуна бўлиб ўқиб, ўқишни ўргатайликчи, натижаси қандай бўларкин?

Сиз, азиз ҳамкасблар, азиз ота-оналар, бу фикрга қўшиласизми?

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси.

БОЛА ТАЪТИЛДА НИМАНИ ЎҚИЙДИ

ёхуд шахсий ибрат ҳақида сўз

Hay'at yig'ilishi

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Халқ таълими вазирлигининг навбатдаги Ҳайъат йиғилишида икки муҳим масала кўриб чиқилди

Биринчи масала «Узбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан келиб чиқадиган вазифалар хусусида» бўлиб, унда «2 та босмахона фаолият кўрсатишига қарамай 500 минг нусхадан зиёд дарслик танқислиги, 55 фоиз мактабларда спорт заллари, 25 фоизида эса спорт майдончалари йўқлиги, мактабларда 1200 дан ортиқ жисмоний тарбия ўқитувчилари етишмаслиги» каби салбий ҳолатлар чуқур таҳлил этилди.

Қорақалпоғистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Таваккал Абдухолиқов бу борада белгиланган чора-тадбирлар хусусида тўхталиб, хатоларни тез фурсатда тугатишга ҳайъат аъзоларини ишонтирди. Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳайъат йиғилишининг нутқда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузган тадбирлари ҳам Қорақалпоғистон халқ таълимини ривожлантиришда ёрдам вазифасини ўтайди. Ҳайъат қарорида Қорақалпоғистон Республикасининг барча ҳудудларида янги 1997-98 ўқув йилига тайёргарликнинг боришини ўрганиш, таълим-тарбия муаммоларининг ўқув методик адабиётлар, мактаб жиҳозлари, жисмоний тарбия бўйича кадрлар, спорт майдончалари ва ашёлари билан таъминланиши юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш умумий ўрта таълим Бош бошқармаси, Республика таълим маркази, «Таълим-таъминот»га топширилди.

Ҳайъат йиғилишининг иккинчи масаласи биринчи кўрилган масала билан боғланиб кетди. Уларнинг боғлиқлик жойи янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши тўғрисидадир. Ушбу масалалар юзасидан халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, вазир ўринбосари Муртазо Султоновлар маълумотлари тингланди. Йўлдош Саиджонов ўз маърузасида ўтган йилнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб, хусусан, улардан бири лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзувининг мактабларнинг биринчи синф ўқувчиларига ўргатила бошланганини таъкидлади. Мазкур янги ўқув йилидан бошлаб эса 2 ва 3-синфлар ҳам янги ёзувга ўтишини таъкидлаб, бу борада олиб борилаётган ишлар, амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар тўғрисида гапирди. Шунингдек, Республика мактаб ўқувчиларининг айрим фанларни ўзлаштириши бўйича сифат кўрсаттичлари паст ҳолда эканлигини, жумладан, математика фанидан Қорақалпоғистон Республикаси (37,27 фоиз), Сурхондарё (37,11), Жиззах (40,66), Навоий (39,95) ва Сирдарё (39,12) фоизни, физика фани бўйича Фарғона (38,30) Қашқадарё (37,2), Тошкент вилояти (38,94), Сирдарё (37,24) фоизни ташкил этганлиги, бошқа фанлар бўйича ҳам юқоридаги вилоятлардаги кўрсаткичлар умумреспублика кўрсаттичидан пастлиги таъкидланди.

Таълим муассасаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлашнинг бориши, унда йўл қўйилаётган камчиликлар, уларни тугатиш чоралари тўғрисида вазир ўринбосари Муртазо Султонов гапирди. Шу йилнинг 10 июлгача бўлган маълумотга қараганда халқ таълими муассасаларида жорий таъмирлашнинг бориши Қорақалпоғистон Республикасида (38 фоиз), Қашқадарё (41 фоиз), Андижон (45 фоиз), Бухоро (48 фоиз), Хоразм (45 фоиз), Навоий (58 фоиз) вилоятларида жуда суст. Ёқилғи, кўмир билан таъминлаш ҳам яхши эмас.

Ҳайъат мажлиси бу масала юзасидан ҳам тегишли қарор қабул қилди. Йиғилишни олиб борган ҳайъат раиси, халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мутасадди раҳбарларни мавжуд аҳволни ўрганишга, таҳлил этишга чақирди. Таҳлилда эса муаммонинг ечими кўринади, уларни ҳал этишда вазирликнинг, вилоят халқ таълими бошқармаси, туман халқ таълими бўлимлари ёки ҳокимликлар, таъбир жоиз бўлса, мактаб ёки шу мактаб ҳомийси бўлмиш хўжалик раҳбарининг вазифалари аниқланади. Нега таъбир жоиз бўлса, дедик. Биргина мисол. Яқинда Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган сессияда айрим мактабларда спорт майдончасининг йўқлиги таъкидланган эди. Аслида мактаб раҳбарининг шу кундалик ишига вазирлик аралашиши шартми? Бу шу хўжалик ёки мактабнинг имконияти доирасидан йироқ эмаску. Мактабларнинг қурилиши борасидаги фикрлар бўлсин, спорт майдончалари муаммосими ёки 3-синфлар учун янги ўзбек алифбосидаги адабиётларнинг етказилишими, буларнинг ҳаммаси барча вилоятларга тегишли хулосалардир.

Олдингизга савол қўйинг: Янги ўқув йилига тайёрми-сиз?

Х. ОМОНОВ.

ЎҚИШ — КЎНГИЛХУШЛИК ЭМАС

(Боши 1-бетда).

келди. Бозор иқтисодиёти қонунлари давлатнинг ҳар бир сўмини жойжойига қўйиб, ундан эртага мамлакатимиз учун келадиган фойдани аниқ белгилаб иш кўришни тақозо этади.

Бугун ҳамишагидан ҳам юртимизга билимли, ўз касбига содиқлик билан хизмат қила оладиган фидойи мутахассислар жуда-жуда керак. Ўқишни кўнгилхушлик деб билиб, ўқув даргоҳларини тўлдираётганларга эса асло йўл очиб қўйиб бўлмайди.

Аввало, бизнингча, юқоридаги каби камчиликларни тўғрилаш кўпчиликнинг фикри, таклифи билан амалга ошади. Ҳар биримиз ҳам шу Ватаннинг фарзандларимиз. Мамлакатимизнинг ривожланиши, дунёда обрўли мавқега кўтарилиши, фаровон бўлиши барчамизнинг орзумиздир. Бу орзу йўлида эса нимаики тўсиқ бўлса, уни енгиб ўтишимиз билимимизга, чиқарилаётган қонун ва қоидаларнинг қанчалик оқилона эканлигига боғлиқдир.

Бугун ўқув даргоҳларига ҳужжат топшираётган сингилларимизга, укаларимизга айтмоқчимиз: ҳозир сиз бамисоли йўл бошидаги кишисиз. Қайси йўлни танлаш, танлаганда ҳам тўғри, оқилона белгилаш эртанги кунингиз, ҳаётингиз учун жуда муҳимдир. Биз кечаги кунимиздан сифат жиҳатидан буткул бошқача бўлган янги йўлни танлаганмиз. Кечаги кунимизнинг қолиплари, ўлчовлари, бугунги кунимиз демак, эртамиз учун асло тўғри келмаслиги аниқ. Балки ўзингиз ҳам ҳаётингиздаги кузатишларингиздан бунга амин бўлгандирсиз.

Ўқишга кираётган кишига маслаҳат берувчилар жуда кўп бўлади. Сиз эса, аввало қалбингизга қулоқ солинг. Севган ишни бажариш ҳамиша киши учун марокли бўлиб, бу йўлдаги қийинчиликлар унга сезилмайди. Дунёда ҳеч бир касбнинг ёмони йўқ. Қолаверса, бугун мустақил бўлган юртимизга турли касбдаги мутахассислар жуда зарур.

Ҳидоят ОЛИМОВА.

БЎҒМА ТАМАКИ

Швециялик олимлар олган далиллар мавжуд тахминларни тасдиқлади. Уларга кўра, чақалоқларда тўсатдан юз берадиган ўлимга сигарет тутуни ҳам сабаб бўлиши мумкин. Қўйларда тажриба ўтказган икки олимнинг аниқлашича, қондаги кислород миқдори никотин таъсирида ҳавфли даражагача камайиб кетади ва нафас бўғилишига олиб келади.

МУҲОКАМАДА ҚАНД ДАРДИ

Маълумотларга қараганда, қандли диабет билан оғриган беморлар сони кейинги ун йиллиқда 100 миллионгача ортган. Халқаро Диабет фередациясининг Хельсинкидаги йиллик конгресида 132 давлатдан йиғилган 9 мингдан ошиқ вакиллар касаллик сабаблари тўлиқ аниқланмаганлигини қайд этдилар. Федерация президенти Як Йервел фикрича, кўп ҳолларда бу дардга семизлик сабаб бўлади.

ҚЎМИЛГАН ҚАЙИҚЛАР

Бир гуруҳ археологлар Франция жанубидаги Бретань дарёси тагидан шакл-шамойилю ясалиши турли хил ҳамда турли даврларга оид қирққа яқин бутун-бутун қайиқларни ковлаб олдилар. Олимларнинг айтишича, қайиқлар бронза даврида то 13-асргача бўлган кемасозлик ҳақида тасаввур бера олади. Шунингдек, топилган кўплаб инсон суякларининг франк, герман, викинг ёки хуннлардан қай бирига тегишли эканлигини ҳам аниқлаш керак бўлади.

Reyd

ТАШАББУС БОР ЖОЙДА...

Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган таълим муассасаларининг янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлигини назорат қилиш бўйича штаб аъзолари бу гал ҳам тўртта республика ташкилотини кўздан кечиришди. Улардаги аҳволни алоҳида-алоҳида баён этиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Чунки муаммолар барчасида бир-бирига ўхшаш, бажарилган иш ҳажми ҳам фоизга айлантирилганда бир хил даражада. Улар ўз имкониятларидан келиб чиқиб, баҳоли қудрат ажратилаётган маблағлардан фойдаланиб, таъмирлаш ишларини ниҳоясига яқинлаштириб қўйишибди. Айниқса 1,2-Тошкент педагогика билим юртларида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилган. Билим маскани атрофлари ҳам дид билан ободонлаштирилган. Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика билим юртида эса бу борада бироз ишлашга тўғри келади. Спорт зали учун зарур бўлган анжомлар, тўплар етарли эмас. Шунингдек, Алишер Навоий номидаги Нафис санъат лицейида ҳам ободонлаштириш бўйича бир талай бажарилиши лозим бўлган юмушлар бор.

— **Ҳа, дегунча ўқув йили ҳам бошланиб кетади,** — деди штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов натижалар муҳокамасида. — **Бугунги кунда ички имкониятлар эвазига ўз биносини кўнгилдагидек қилиб тайёрлаб кўйганлар кўпчиликни ташкил этади. Аслида таълим-тарбия муассасаларига қўшимча маблағ топиш имкониятларининг яратилганлиги, бу борада имтиёзлар берилганлиги боиси ҳам шунда. Биз ҳам катта ҳажмдаги таъмир ишларини бажариш учун зарур маблағларни ажратиш йўлларини қидириб топаяпмиз. Шуни алоҳида таъкидлаб айтаманки, ташаббус бор жойда ҳамиша ишлар олға жилган.**

Юқорида айтганимиздек, тўрттала жойда ҳам бир хил муаммо — яъни сув қувурларининг эскирганлиги, уларни алмаштириш лозимлиги қандайдир бир марказлашган ҳолда бу масалани ўз вақтида ҳал этишни тақозо этади. Негаки, биноларнинг деворларига сув сизиб чиқиши, иситиш тизимининг кўнгилдагидек ишламаётганлиги каби камчиликлар шу туфайли юзага келмоқда. Энг асосийси, нотозалик билан курашувчи — сувнинг доимий бўлмаслиги озодалик, саранжом-саришталикни сақлашга ҳамиша тўсқинлик қилиб келган.

Штаб аъзолари текширишлар натижаси муҳокамасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз фикрларини айтишди. Уларни тугатишга масъул кишиларга аниқ топшириқлар, кўрсатмалар берилди.

МУХБИРИМИЗ.

Taraddud

ДИРЕКТОРЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорликда яқинда 493 нафар мактаб директорлари учун «Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида раҳбарнинг ўрни ва мактабни бошқарув» дастури бўйича тўрт оқимдан иборат махсус ўқув ташкил қилди. Машғулотларни намунали олиб бориш, директорларнинг раҳбарлик маҳоратларини ошириш, билим ва малакаларини янада такомиллаштириш, уларни бугунги кун талаблари даражасидаги илмий-назарий методик янгиликлар билан қуроллантириш мақсадида юқори малакали, етук мутахассислардан иборат маърузачилар гуруҳи танланиб, ўқувга жалб этилди.

Ўқув жараёнида мактаб ички назорати, таълим муассасаларига раҳбарлик ва тадбиркорлик асослари, ҳуқуқ ва меҳнат кодекси, таълимни молиялаштириш каби мавзулар юзасидан маърузалар ўқилиб, янги педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ қилиш мақсадида амалий машқлар ўтказилиб борилди. Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Б. Акрамовнинг «Мактаб ички назорати, уни амалга оширишда янгича шакл ва усуллар, мактаб ҳужжатларига қўйиладиган талаблар», вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти бўлим бошлиғи Ю. Сайдиёровнинг «Янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этиш», шу институт кафедра мудири, доцент С. Рузибоевнинг «Диагностик таҳлил ва рейтинг масалалари», вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиқ муовини А. Маматовнинг «Таълим соҳасини молиялаштириш, тадбиркорлик ва халқ таълими ходимларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазалаш» каби маърузалари, айниқса, тингловчиларга манзур бўлди.

Машғулотлар охирида ҳар бир мактаб раҳбарининг фикр-мулоҳазаларини билиш мақсадида ёпиқ анкета саволларига жавоб олиш уюштирилди ҳамда барча тингловчилар тестдан ўтказилди.

Ҳар бир йўналишдаги ўқув гуруҳи машғулотлари якунида бошқарма бошлиғи Г. Субҳонова бошчилигида вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти раҳбар ходимлари томонидан тингловчилар билан «Очиқ мулоқот» давра суҳбатлари уюштирилиб, мактаб директорлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва улар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этишнинг йўл-йўриқлари юзасидан амалга ошириладиган вазифалар ҳақида батафсил фикрлашиб олинди.

А. РАСУЛОВ,
Жиззах вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти халқ таълимини бошқарув бўлими бошлиғи.

Buxoroning 2500 yilligiga

МУСТАҚИЛЛИКДАН СЎНГ КЕЛГАН БАЙРАМ

Қадим Бухоро ўз ўтмишидан сўзламоқда... Бу кўҳна диёрнинг тарихи кимларни қизиқтирмаган?

Бухороликлар ўз юртлари билан фахрланишади.

Дарвоқе, 2500 йилликдай йирик ва тантанали саналарни нишонлаш ҳамма авлодларга ҳам насиб этавермайди. Шу боис, бухоролик болалар ҳам буни чуқур англаган ҳолда тайёргарлик кўришмоқда.

Бухоро туманидаги 23-ўрта мактабда моҳир қўллар тўгараги очилган. Раима Бақоева бу тўгарак аъзоларига бош-қош. Ёш чеварлар қўлидаги матоларга гул босилиб, нафис ва қойилмақом сўзаналарга айланса не ажаб?

Суратда: Р. Бақоева шогирдлари билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИ — МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Маълумки, Республика халқ таълими тизимида 1995 йилдан бошлаб янги ташкилот ўзига хос янги фаолият билан иш бошлади — бу Республика Истеъдод Маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари. Қашқадарё вилоятида бу ташкилотнинг филиали биринчилар қаторида очилди ва кенг доирада ўз иш фаолиятини бошлади. Энди зеҳнли, қобилиятли, зукко ўқувчиларнинг махсус назоратчиси, ҳимоячиси пайдо бўлди, вилоят буйлаб иқтидорли ўқувчилар билан ишлайдиган жавобгар мутахассис ва махсус ҳомийга эга бўлдик.

Бошқарманинг бу ташкилот филиали билан тузган қўшма режасига биноан вилоятда бир қанча ишлар амалга оширилди. Турли синовлар натижаларига таяниб, лицей ва гимназияларга, чуқурлаштирилган синфларга, репетиторлик мактабларига, ихтисослаштирилган ва табақалашган синфларга зеҳнли, зукко болалар қабул қилинмоқда.

Республика Истеъдод Марказининг хулосаларига кўра вилоят бўйлаб ўтказилган синовда 997 ўқувчининг 201 нафарида алоҳида зеҳн борлиги аниқланди. Улардан 22 нафари Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтига ўқишга тавсия этилган, 77 ўқувчи Самарқанддаги кооператив ва қишлоқ хўжалиги институтлари қошидаги лицейларга тавсия этилдилар, 47 ўқувчи эса Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги лицейларга имтиёзли қабул қилиндилар.

Вилоятнинг 45 нафар ўқувчисига аэрокосмик соҳада таҳсил олиш тавсия этилди. Вилоят ҳокимлигининг махсус қарори билан ушбу ўқувчилар «Узбекнефтгазгеология» бирлашмасига қарашли Беруний номидаги оромгоҳда 7 кун бепул дам олиб, согликларини мустаҳкамлаш билан бирга, шу муддат орасида физика, химия, инглиз тили, астрономия, математика, ЭҲМ, космос ишлаб чиқаришига доир янги билимларни эгалладилар. Шунингдек, Китоб туманида жойлашган Кенглик марказида бўлиб, осмон сайёраларини кузатдилар, Шаҳрисабз шаҳрида урнатилган буюк давлат арбоби Амир Темур ҳайкалини, тарихий обидаларини зиёрат қилдилар.

Ёзги мактаб-оромгоҳ машғулотларида фаол иштирок этган Шаҳрисабз шаҳридаги 13-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ёрматов Комил, Қамаши тумани 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Раҳимов Сирож, Муборак туманидаги 2-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жумаев Баҳодир, Чироқчи туманидаги 1-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Абдураҳмонов Азизбеклар Республика Аэрокосмик ёзги мактаб машғулотларида иштирок этиш имкониятини қўлга киритдилар. Айни пайтда улар Тошкент вилояти Паркент туманидаги махсус аэрокосмик мактаб-лагерда таҳсил олиб дам олмоқдалар.

Ўтказилаётган оммавий тадбирлар ҳам истеъдодли болаларни бошқалардан фарқлашга имконият яратаяпти. 1997 йилда ўтказилган Республика фан олимпиадаси якунларига кўра 2 нафар ўқувчи, спартакиада якунларига кўра эса 6 нафар ўқувчи олий ўқув юртларининг талабалари бўлдилар.

Вилоятда 1997 йилги ёзги мавсумга оромгоҳларни йўналишли ташкил этиш борасида ҳам айрим тажрибаларга эгамиз. Шаҳрисабз туманидаги Й. Охунбобоев номли оромгоҳда дам олган болалар орасидан физика-математика фанига қизиқувчилар билан махсус дастур асосида иш олиб борилди. Шаҳрисабз шаҳридаги Беруний номли «Узбекнефтгазгеология» бирлашмасига қарашли оромгоҳда эса информатика асослари фанидан вилоят олимпиадасида фаол иштирок этган 25 ўқувчи ажратиб олиниб, улар билан қўшимча машғулотлар олиб борилди. Мазкур оромгоҳ харажатлари «Узбекнефтгазгеология» бирлашмаси ҳисобидан амалга оширилди.

Зеҳнли, ақлий заковати ривожланган ўқувчи-ёшлар билан ишлаш нафақат шарафли, балки масъулиятли ишдир. Биз ўйлаймизки, агар лицей ва айниқса, олий ўқув юртларига киришга озроқ имтиёзлар белгиланса, уз мактаблари доирасидан ҳар хил сабаблар билан чиқа олмай, қолиб кетаётган иқтидорли ўғил-қизларимизнинг сони камайган бўларди. Масалан, Истеъдод Марказининг фаолияти Давлат Тест Марказининг фаолияти билан уйғунлаштирилиб, ўқув йили давомида барча мактаблардаги зеҳнли, қобилиятли ўқувчиларни саралаб олиб, жойларда Тест Марказининг тестларидан ўтказилганда эди, июль-август ойларида оммавий равишда минглаб ўқувчилар ва ота-оналарнинг олий ўқув юртларига кириш учун синовларга қатнашишларига эҳтиёж қолмаган бўларди.

Келажак зеҳнли, ақл-заковати баланд, иқтидорли ёшларнинг ихтиёрида. Шунинг учун болалар орасидан истеъдодлисини ажратиб олиб, имтиёзлар бериб, касб-ҳунарга, олий маълумотга ўргатиб, тез орада малакали мутахассис етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз бўлиши керак.

Ж. ЖИЛОВОВ,
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғининг муовини.

Yangi alifboni o‘rganamiz

ТУТУҚ БЕЛГИСИ БОШҚАЮ КЎЧИШ БЕЛГИСИ БОШҚА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1995 йилнинг 24 августида **«Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»** тасдиқланган бўлиб, бунинг 32-бандида тутуқ (апостроф) белгисининг қўлланиш ўринлари келтирилган.

Тутуқ белгисининг босма ва ёзма шакли вергулнинг шаклига айнан ўхшаш бўлиб, у ўзлашма сўзлар таркибида тубандаги ҳолларда қўлланади:

Биринчидан, сўз таркибида унлидан олдин қўйилиб, шу унлини олдинги ундош товушдан ажратиб айтилишини ифодалаш (бўғинни ажратиб айтиш) учун қўйилади: **mas’ul** (масъул), **san’at** (санъат), **qat’iy** (қатъий), **in’om** (инъом) кабилар.

Иккинчидан, сўз таркибида унлидан кейин шу унли товушнинг чўзиқроқ айтилишини ифодалаш учун қўйилади: **me’vor** (меъёр), **ta’lim** (таълим), **shu’la** (шуъла) кабилар.

Учинчидан, мўътабар, мўътадил, мўъжаз, мўъжиза каби ўзлашма сўзлар таркибидаги **«ў»** унли товуши чўзиқроқ айтилса ҳам, янги ўзбек лотин ёзувида тутуқ белгиси қўйилмайди. Чунончи: **mo‘tabar, mo‘tadil, mo‘jaz, mo‘jiza** кабилар. Англашиладики, бунда икки хил белги, яъни қўшиш ва тутуқ белгиларининг кетма-кет келиб қолмаслигини эътиборга олиб, бундай сўзлар тутуқ (апостроф) белгисисиз ёзилиши алоҳида таъкидланиши керак.

Тўртинчидан, янги алифбо сирасидаги йигирма еттинчи ўринда **«ш»** товушини ифодалаш учун **«Sh sh»** ҳарфлар бирикмаси жойлаштирилган. Бу ҳақда «Имло қоидалари» тўпламининг 17-бандида маълумот келтирилган. Бироқ ёнма-ён келган **Ss («с»)** ва **Hh** («ҳ») ҳарфлари икки мустақил товушни ифодаласа, улар (яъни **«с»** ва **«ҳ»**лар) орасида тутуқ белгисининг қўйилиши унинг бирикма эмаслигини, **«ш»** деб ўқилмаслигининг олдини олади. Буни ҳам ўқитиш-ўргатиш жараёнида алоҳида таъкидланиши мақсадга мувофиқдир. Мисоллар: **Is’hoqov** (Исҳоқов), **as’hob** («асҳоб» сўзининг бирлиги «соҳиб» — суҳбатдошлар), **mas’h** («масҳ» — таҳоратда масҳ тортиш), **mas’hub** («масҳуб» — бирга юрувчи, ҳамсуҳбат), **mus’hab** («мусҳаб» — китоб, рисолалар тўплами; Қуръони Каримнинг қадимги қўлёзма нусхаси), **mas’hil** («масҳил» — енгиллаштирувчи, меъдани тозаловчи дори), **fis’ha**t (фисҳат — кенглик, очиқлик), **tas‘hih** (тасҳиҳ — тузатиш, хатоларни ислоҳ қилиш), **as’hal** («асҳал» — энг осон, қулай) кабилар.

Тутуқ (апостроф) белгиси янги ўзбек лотин ёзувида сўз ўртасидагина қўлланади; сўз охирида қўйилмайди. Унинг мустақил товуш ифодаламаслиги ҳисобга олиниб, тутуқ (апостроф) белгиси алифбо сирасида эмас, балки имло қоидалари баёнида кўрсатилиши тавсия этилди.

Янги алифбо сирасидаги йигирма бешинчи ўринда **«O‘ o‘»** ҳарфи келтириган бўлиб, у ҳақда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари»нинг бешинчи бандида қоида баён этилган: **«O‘ o‘»** ҳарфи **o‘zbek** (ўзбек), **do‘ppi** (дўппи), obro‘ (обрў) каби сўзларда орқа қатор, ўрта-кенг, лабланган унли товушни ифодалаш учун ёзилади. **«O‘ o‘»** ҳарфи сўз охирида жуда кам қўлланади; сўз ўртасига нисбатан сўз бошида кўпроқ қўлланади.

«O‘ o‘» ҳарфининг босма ва ёзма шакллари бир-биридан фарқ қилади. Унинг босма шакли **«O o»** ҳарфининг қатта (бош) шаклининг юқори қисми бараварлигида пастдан тескари вергул тарзида — «кўчиш белгиси» қўйилади. Кичик шакли эса **«o»** ҳарфининг ўнг, юқори томонга (бош ҳарф бараварлигида) кўчиш белгиси қўйилиши орқали ҳосил бўлади. Масалан: **O‘zbekiston** (Ўзбекистон), **o‘rik** (ўрик), **olxo‘ri** (олхўри) кабилар. **«O‘ o‘»** ҳарфининг ёзма шакли эса **«O o»** ҳарфининг устки (юқори) қисмига тўлқинсимон чизиқ тортилиши орқали ифодаланади.

Англашиладики, **«O‘ o‘»** ҳарфининг босма ва ёзма шакллари фарқланган ҳолда ёзилиши мақсадга мувофиқдир, яъни кўчиш белгисининг босма ва ёзма шакллари фарқли ўлароқ, ўқитиш-ўргатиш жараёнида эътиборга олиниши зарур. Акс ҳолда имловий хатоларга йўл қўйиб юборилиши мумкин.

Янги алифбо сирасидаги йигирма олтинчи ҳарф **«G‘ g‘»** (F ғ) бўлиб, у ҳақда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари» нинг 28-бандида шундай ёзилган: **«G‘ g‘»** ҳарфи **g‘oz** (ғоз), **bag‘ir** (бағир), **tog‘** (тоғ) каби сўзларда чуқур тил орқа, жарангли, сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

Янги алифбо сирасидаги **«O‘ o‘»** (Ў ў) ҳарфини ҳосил этиш учун «кўчиш белгиси»дан фойдаланилади. G‘ g‘ ҳарфи ҳам худди «O‘ o‘» каби «кўчиш белгиси» орқали ёзилади.

«G‘ g‘» (F ғ) ҳарфининг ҳам босма ва ёзма бош ва кичик шаклларининг пухта ўзлаштириб олиниши имло саводхонлигини таъминлайди. Бинобарин тутуқ белгиси, кўчиш белгиси ва чизиқча — имло белгиси сифатида тушунтирилади.

Республикамизда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонунга ўзгартишлар киритилганига 26-27 ой ўтган бўлишига қарамай, аксарият газета ва журнал саҳифаларида, ойнаи жаҳон дастурларида ҳамон эскича ёзишмалар, хато ва чалкашликлар кўзга ташланмоқда. Айниқса, **«ў»** ва **«ғ»** ҳарфларининг босма ва ёзма шаклларининг бир-биридан фарқламасликда ҳамда тутуқ (апостроф) белгиси билан кўчиш белгисининг чалкаштириб юборилишида бирининг ўрнида иккинчисини қўйиб ёзилишида содир бўлмоқда. Буларга жиддий эътибор берилиши, лоқайд қаралмаслиги нафақат ўқитувчиларнинг, балки барча зиёлиларнинг бурчидир. Зотан имло — саводхонлик асоси эканлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармайлик.

Суннатулла РИЗАЕВ,
ЎзПФИТИ «Она тили ўқитиш назарияси ва методикаси» бўлими мудири, доцент.

Ёз — болажонларнинг севимли фасли. Чунки бу фаслда мевалари ғарқ пишган боғлар, полизлар, музлек сувли анҳорлар уларни кутишади. Айниқса, тоғ бағирларида, ўқувчилар оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришга отланган жажжилар қувончини айтмайсизми?

Тошкент туманидаги «Ёшлик» соғломлаштириш оромгоҳи ҳам ҳар саратонда болакайлар билан гавжум бўлади. Бу ерда ёш авлоднинг кўнгил хушлиги, ҳордиқ чиқариши учун барча шарт-шароитлар муҳайё.

Суратларда: «Ёшлик» соғломлаштириш оромгоҳидан лавҳалар.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Milliy pedagogikamiz tarixidan

БЕРУНИЙ МАЪРИФАТИ

Буюк қомусий билим соҳиби Абу Райҳон Беруний (973—1048) ҳаёти ва ижтимоий, илмий фаолиятида биз ўқитувчилар учун ибрат бўларли жиҳатлар анчагина. Беруниийнинг маърифий қарашлари унинг илмий асарларида ўз ифодасини топган. У офриғийлар саройида вояга етди. 995 йили бу сулола тугатилгач, Гурчониядаги Зиёрийлар сулоласи (928—1042) ҳукмдори Қобус ибн Вушмагир (976—1012) ҳузурига келади. Эроннинг бир неча шаҳарларини кезади. Қобус унга вазирлик мансабини таклиф қилишига қарамай, 15 йиллик мусофирчиликдан сўнг Ватанига қайтиб келади. Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун (997—1017) таъсис этган академия ҳақида эшитиб шундай қарорга келади. Академиянинг Абусаҳл Масиҳий, Абунаср Мансур ибн Ироқ, Абу Али ибн Сино, Абулҳасан Хаммор ибн Мискавейх каби намояндалари билан ҳамкорлик ва академияга раҳбарлик қила бошлади. 1018 йилдан Беруний Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030) саройида яшай бошлайди.

Беруниийнинг 150 дан ортиқ асар ёзгани маълум. Шулардан 31 таси сақланиб қолган. Уларнинг баъзилари ўзбек ва рус тилларида нашр этилди:

1000 йилда Қобус ибн Вушмагирга атаб «Ал-осорулбоқийа ан-алқурунул-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини ёзган. У 1968 йилда нашр бўлган.

Сўнг «Китоби таҳдидун-ниҳоятул-амокинли тасҳиҳи масофатул-масокин» («Турар жойлар орасидаги масофани текшириш учун жойларнинг охирги чегараларини аниқлаш») асарини битади. Бу китоб 1966 йили рус тилида чоп этилади.

Ғазнада яшаб турганда Ҳиндистонни кезиб, ҳинд тили, тарихи, маданиятини ўрганиб «Китоби фи таҳқиқи молилҳинд, мин маъқула маҳбула фил-ақл ав марзула» («Ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш») асарини ёзган. Асар 1963 йили ўзбек ва рус тилларида чоп бўлди.

«Китобул-жамоҳир фи маъруфатул-жавоҳир» асари минераллар ва уларнинг инсон саломатлиги ва тақдирига таъсирига доир хислатларини баён этади. Китоб 1958 йили рус тилида чоп бўлган.

«Китобус-сайдона фит-тиб» («Фармакогнозия») асарида мингдан ортиқ минерал ва ўсимликлардан тайёрланадиган дори-дармонлар таркиби ҳақида сўз боради.

Ғазнада Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Маъсудга мураббийлик қилади, унга араб тилини ўргатади. Унга атаб «Ал-қонуни Маъсудий фил-ҳайатваннужум» («Ҳайъат ва юлдузлар йилида Масъуд қонуни») асарини ёзади.

Беруний 1029 йили хоразмлик дўсти Ҳасаннинг қизи Райҳона илтимосига кўра «Китобуттафҳим ли авойили синоатит-танжим» («Юлдузшунослик илмида билиш керак бўлган қоидалар») асарини ёзади. Бу ҳақда Беруний ўз асарининг муқаддимасида: **«Мен бу китобни хоразмлик Райҳона бинти Ҳасан илтимосига кўра тушинилиши осон бўлсин деб савол ва жавоблар тарзида ёздим... Асарни геометрия (ҳандаса)дан бошладим, кейин арифметика ва саноқларга ўтдим. Сўнг фалакнинг тузилиши, юлдузларнинг инсон тақдирига таъсирини баён этдим. Зеро, мунажжим бўлиш учун шу тўрт фанни мукаммал ўзлаштирмоқ зарур»**. Асар 530 та савол ва жавобдан иборат бўлиб, кейинчалик ҳайъат илми бўйича мадрасалар учун ўқув қўлланмасига айланиб қолди. Шу нарса эътиборга сазоворки, Райҳонанинг отаси вафот этгач, Беруний уни ўзига қиз қилиб олади ва Абурайҳон (Райҳонанинг отаси) кунясини қабул қилади.

Беруний ўз асарларида одамлардаги инсоний хислатларни улуглайди, инсонийликдан бехабар кишиларни қоралайди. Масалан, Қобус ибн Вушмагир ҳақида у ёзади: **«Улуғ ва олий тангри Шамсулмаолийнинг пок вужудидаги яхшилик нишоналарига гўзал халқларни, иболик руҳига барча ёқимли хислатларни қўшиб, уни қандай хислатлар эгаси қилган? У хислатлар: тақводорлик, тўғрилик, ўзни сақлаш, диндорлик, одиллик, инсоф, камтарлик, латофат, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, сахийлик, мулойимлик, сиёсат ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш ва булардан бошқа ақлга сиғмайдиган, киши баён этиб тугата олмайдиган яхши сифатлардан иборатдир». Ёки Султон Масъуднинг саховати ҳақида шундай дейди: «Масъуд менга умримнинг қолган қисмида илмга хизмат қилишим учун очиқ юз билан имконият яратди. У менга зийнат либосини кийгизиб, иноят кўрсатди. Абадий соясида осойишталик ёпинчини устимга ёпди ва инъом булутларини ёғдирди.»**

«Осорул-бақия...»да Рай шаҳрида бир киши билан астрономияга доир масалада баҳслашгани ҳақида ҳикоя қилиб, у киши илмда қашшоқ бўлса ҳам ўзини олимдан юқори тутгани ва ҳақорат қилганини сўзлайди: **«... орамизда фақат бойлик ортиқчалиги ва мақтовларни ёмонликларга, фахрларни айбларга айлантирувчи камбағаллик бор эди, холос. Чунки мен у вақтда ҳамма томондан қийинчиликка учраб, паришонҳол эдим» (395-бет).**

Бу билан Беруний инсон зийнати билим эканлигини таъкидламоқда. Олим қақиқат шайдоси эди. Шунинг учун ҳам Моний асарлари билан танишгач, пайғамбарлар ичида энг ҳақиқатгўйи Моний бўлган, деб ёзади. Ҳақиқатни севмайдиганларни қоралайди: **«Улар қатъий ҳужжатларни қабул қилишдан худди шердан қўрқиб қочган эшаклардек қочадилар»** (278-бет). Беруний ўзининг барча асарларида ана шу ҳақиқатни кашф этишга тиришади: «Биз келтирган ривоятлар ҳақиқатни қидирувчи ва ҳикматни севувчининг улардан бошқа ривоятлар устида иш юргизишига ёрдамчи ва бизга муяссар бўлмаган нарсаларга эришиш учун йўлловчи бўлади» (41-бет).

Билимга бўлган ташналик Беруниийнинг ғўдакликдан хос хислати эди: Бу ҳақда у шундай эслайди: **«Мен болалик чоғимданоқ ўз ёшимга ва шароитимга қараб имкон борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида қуйидагиларни айтиш кифоя: Биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил доллар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим».** («Сайдона», 298-бет).

Кейинчалик Беруний шундай хулосага келади: **«Илм орқали халосга етишиш фақатгина ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади. Ёмонликнинг шахобчалари кўп бўлса ҳам уларнинг асосийи тамаъ, ғазаб ва илмсизликдир». («Ҳиндистон»,** 70-бет).

Беруний Расулуллоҳнинг «Бешикдан лаҳадгача илм талабида бўл!» ҳадиси шарифига содиқ қолди. Ўлим тўшагида ётганда ҳам билмаганларини билишга интилди. Бу ҳол ҳар жиҳатдан ибрат бўларлидир:

Ёқут Ҳамавий Қози Валволижийдан нақл қилиб ёзади: **«Мен Абу Райҳон ҳузурига у оғир нафас олаётган, хириллоқ тутаётган вақти кирдим. У мендан «Меросларнинг нотўғри бўлиниши ҳақида айтганларингни такрорла», деди. Мен унга раҳмим келиб: «Шундай аҳволда-я?!» дедим. У эса: «Эй фалончи, мен учун бу масалани билиб дунёда ўтиш уни билмай ўтиб кетишдан афзалроқ эмасми?!» деди. Мен у масалаларни такрорлаб беришга мажбур бўлдим. У буни ёдига келтириб, кейин менга бу ҳақда ўз ўйлаганларини айтиб берди. Шундан сўнг мен чиқиб кетдим. Кўчага чиқишим билан унинг уйидан йиғи овози эшитилди»...**

Абу Райҳон Беруний ҳаёт йўли ва асарлари Ўзбекистон Республикасининг муносиб фарзандлари — комил инсонларни тарбиялаб вояга етказишда муҳим омил бўла олади. Шу нуқтаи назардан умумтаълим мактабларида «Фан ва маданият тарихи» ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Наим НОРҚУЛОВ.

«БОЛАДА ҲАМ ШАХСИЯТ БОР»

(ФИДОЙИ ИНСОН БИЛАН ГУРУНГ)

Биз кўпинча ўз ташвишларимиз билан бўлиб, ёнимиздаги азизу қадрдонларни унутиб, гоҳида улар олдидаги бурчимиз ва қарзимизни бажаришга ҳам эътибор қилмаймиз. Назаримда, сизу бизни саводли қилган, тарбиялаган муаллимлар ана шундай улуғ кишилардандир.

Бу қунги суҳбатдошимиз, Избоскандаги 6-гимназия-интернатнинг директори ўринбосари бўлиб ишлайди. У киши ҳаётини — жону жаҳонини маорифга бағишлаган инсон. Суҳбатдошимизнинг исми-шарифи — Шаҳобиддин Зайнобиддинов, 1-тоифали ўзбек тили ва адабиёти муаллими.

— Сизнингча, ўқитувчи ким, бу сўзнинг замирида қандай маъно бор?

— Саволингизга Ўткир Ҳошимовнинг қуйидаги гапи билан жавоб бермоқчиман: «Мурғак боланинг оппоқ қалб дафтарига ... сон деган сўзни ўйиб ёзиш ҳуқуқи фақат ўқитувчига берилган».

— Биз ҳамиша ҳам ўқитувчининг ҳурматини ўрнига қўймаётгандекмиз. Ахир, шоҳ ҳам, гадо ҳам унинг зиёсидан баҳраманд-ку. Шу борадаги фикрларингиз.

— Ўқитувчининг ҳурмати унинг билим ва касб маҳоратига боғлиқ. Халқимиз доимо ўз касбининг устаталарини эъзозлаб келган. Шундай экан, ўқитувчи иқтисодий, сиёсий ва маънавий жиҳатдан бекаму-кўст бўлса, унинг ҳурмати ҳам оша боради.

— Бир гапингизда мактаб ҳеч қачон болага ота-онадек таъсир ўтказа олмайди, дегандингиз. Нега шундай?

— Чунки фарзанд кўп вақтини ота-она қучоғида ўтказиб, ҳаётнинг илк сабоқларини олади. Шу ўринда «Куш уясида кўрганини қилади» деган сўзни эслатиб ўтгим келади. Боланинг тарбияси, шубҳасиз, ҳаётининг илк сабоқларини олиш жараёнида муҳрланиб қолган тарбияга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак.

— Болада ҳам шахсият бўладими?

— Албатта, болада шахсият бор-да. Шу боис ўқитувчидан боланинг нозик ҳис-туйғуларини ҳисобга олиш талаб этилади.

— Болага боладай муомала қилиш керакми ёки катта одам сифатидами?

— Ўқитувчи, аввало, боланинг ёшини ҳисобга олиши зарур. Шу билан бирга ўқувчи билан унинг ички кечинмалари ва алоҳида хусусиятларини назарда тутиб, зарур ҳолларда боладек, керак бўлганда дўстдек муомада бўлган маъқул.

— Болани калтаклашга қандай қарайсиз?

— Калтаклаш! Бу ношуд ўқитувчининг усулидир. Ўқитувчи ўз фанини чуқур билиши ва ўқувчини «сиз»лаши керак. У икки ёки уч бор дарсга тайёр бўлмаса, уни «сен»лаб қойиса, шунда ўқувчи ўзини калтаклангандек ҳис қилади. Менинг усулим шундай.

— Ҳозирги кунда маорифимиздаги энг катта ютуқ нимадан иборат?

— Биз узоқ йиллар «иккисиз», «икки йилликсиз» шиорлари асосида ҳамма бола бир хил ўзлаштиради, деган фикр билан қийналиб ишладик. Маориф соҳасида ҳозир фақат маошга чидаб яшайдиган, мактаб учун фидойи, ўқитувчиликдан воз кечолмаган заҳматкашларгина қолаяпти. Хайриятки, мустақиллик туфайли таълим тизимида ўзгаришлар бўлмоқда — гимназия ва лицейлар ташкил қилинмоқда. Булар дастлабки ютуқлар деб биламан.

— Ўқувчингизни ўз фарзандингиздай кўра оласизми?

— Ҳа, албатта, ўқувчингизни ўз фарзандингиздай кўрмас экансиз, ундан баркамол инсон тайёрлай олмайсиз.

— Раҳмат, домла, омон бўлинг.

Н. ЖАЛОЛОВ суҳбатлашди.

МАКТАБНИ ШАРАФЛАЁТГАН ҒОЛИБЛАР

Куни кеча республика радиосининг «Келажак тонги» дастуридан мактабимизнинг 11-синф ўқувчиси Дилрабо Элбоеванинг қувончли, қунгироқдек овози янгради. У ўзининг жонажон мактаби, севимли устозлари ҳақида тўлқинланиб гапирди ва иқтидорли ўқувчиларнинг республика анжумани қатнашчиларини табриклаб, уларга муваффақият тилади.

Ҳа, Дилрабонинг қувончлари чексиз. «Табиат — кеча, бугун, эртага» деб номланган республика ўқувчилар анжуманининг ғолиби. Унинг тайёрлаган «Инсон волидаси — она табиат ва унга муносабат» деб номланган ижодий иши, «Она табиат эъзозга муҳтож» макети, Қашқадарё вилоятининг табиий бойликларини акс эттирувчи харитаси ушбу анжуманда юқори баҳоланди.

Икки ўқувчимиз «Иқтидорли ўқувчилар — 96 ва 97» қурик-танловининг ғолиби бўлган бўлса, 4 ўқувчи «Табиат — кеча, бугун, эртага» республика ўқувчилар анжуманининг ғолиби бўлишди. Бу ўқувчиларни қурик-танловларга тайёрлашда, қунт билан билим беришда мактабнинг олий тоифали биология ўқитувчиси М. Исматова ҳамда ўз ишига фидойи бўлган, мактаб директори Б. Тоштемировнинг хизматлари каттадир. Чунки фидойи муаллимлар ва сергайрат раҳбар бўлган жойда иш яхши ташкил этилади. Яхши иш, самарали меҳнат, тинимсиз изланишлар эса доимо ютуқлар ғарови бўлиб қолаверади.

Хадича ЖЎРАЕВА,
Шаҳрисабз туманидаги 70-ўрта мактаб ўқитувчиси.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА ТАЪЛИМ

Республикамиз истиқлолга эришгандан сўнг таълим тизимини такомиллаштириш йўлида чуқур ислоҳотлар даврига қадам қўйди. Бу ислоҳотлардан кўзда тутилган мақсад ҳам таълим соҳасини жамият ва инсон манфаатларига хизмат қилдиришдан иборат, Республикамиз қудратли илмий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат. Ҳозирги кунда Ватанимизда 58 та олий ўқув юрти (шулардан 16 та университет) мавжуд бўлиб 280 мингдан зиёд талаба, 9 мингдан ортиқ ўрта мактабларда эса 5,2 млн. мактаб ўқувчиси таълим олмоқда, мавжуд барча лицей ва гимназияларда 100 мингдан ортиқ бола таълим олмоқда.

Республикамизда Фанлар Академияси, Қишлоқ хўжалик академияси, 120 дан зиёд илмий-тадқиқот институтлари фаолият кўрсатмоқда. Илмий ходимлар сони 100 мингдан ортиқ бўлиб, улар орасида 160 дан зиёд академик ва мухбир аъзо, 2200 дан зиёд фан докторлари ва профессорлар, 14 минг 600 дан зиёд фан номзодлари ва доцентлар бор. Таълим самарадорлигини ошириш мақсадида чет мамлакатлар билан илмий-маданий алоқалар кенгаймоқда, жаҳон педагогикаси илғор ютуқлари таълим тизимига чуқур кириб бормоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиётини барпо этишдан мақсад ҳам — барча ислоҳотларни, энг аввало, инсон учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратишдан иборат. Бунда шубҳасиз таълим ислоҳоти ва кадрлар тайёрлаш масаласи катта рол ўйнайди.

1997 йил 5 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида бўлиб ўтган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» муҳокамасига бағишланган йиғилиш таълим ислоҳоти йўлидаги муҳим қадам бўлди. Йиғилишда бутун таълим тизимини янги йўналишга солиш ҳамда янги шароитлар ва замонавий технологияларда ишлай оладиган мутахассислар тайёрлаш учун янги ўқув юртлари, энг аввало техник коллежлар, бизнес-мактаблари ва махсус ўқув юртлари ташкил этиш масалалари кенг муҳокама этилди. Шу мақсадда ўқув юртлари тузилмаларини такомиллаштириш, хусусан, тўққизинчи синфни битирувчилар учун тадбиркорлик фаолияти асослари, иқтисодий ва ҳуқуқий билимлар дарслари киритилган махсус таълим муассасаларини барпо этиш ва улар тармоғини кенгайтиришга эътиборни қаратиш кучайтирилди. Бозор шароитларида ўқув-тарбия жараёни сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтариш, таълим, замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг бутунлай янги усулларини жорий этиш ҳозирги куннинг асосий талаби бўлиб қолмоқда. Айниқса, ўрта мактабнинг тўққизинчи синфини битирган ўқувчи ўз интилиши, имконияти даражасида ўқиши, меҳнат қилиши, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиши учун шароитлар яратиб бериш, уларни ўқишга, ишга жалб этиш, тадбиркорлик фаолияти учун имкон бериш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Айнан шу мақсадда 1995 йил Ўзбекистон Республикаси «товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси», таълим департаменти ташкил этилган эди. Ушбу палата қошида Республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида халқаро бизнес коллежи, вилоятларда эса унинг филиаллари ташкил этилди. Ҳозирги кунда коллеждан Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, юксак малакали хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги ўтиш даврида, чет мамлакатлар билан илмий маданий алоқаларни кенгайтириш, ёшларнинг чет мамлакатларга чиқиб таълим олишини таъминлаш мақсадида улар билан тинимсиз ишлаш, иқтидорли болаларни қидириб топиш ва профессионал таълим олиши учун шароит яратиш зарур.

Маълумки, Собиқ совет тузуми даврида Республикамиз маориф соҳасида ўзига хос ислоҳотлар ўтказилган, аммо мамлакатдаги ҳаддан ташқари марказлаштирилган бошқарув тизими ҳукмрон бўлганлиги, ўлкаларнинг объектив эҳтиёжларини эътиборга олмаслик натижасида Республикамизда таълим тизимидаги муаммолар ҳам нотўғри ечилди. Бу эса ҳанузгача ўз оқибатларини бермоқда.

Республикамиз ҳукумати, фаол зиёлилари ва барча кишилар ўтмишдан қолган оқибатларни тугатиш йўлини тутмоқдалар. Демократик ва бозор ислоҳотлари талабларидан келиб чиқиб, кадрлар тайёрлаш бўйича давлат, жамият ва инсон фаолиятини кучайтиришга асосий вазифа сифатида қаралмоқда. Бозор иқтисодиётининг иккинчи босқичини бошдан кечираётган республикамизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз негизи ҳисобланган ёшларга иқтисодий, ҳуқуқий билимлар бериш келажагимиз кафолати ҳисобланади.

Ўрта умумтаълим мактабларида «иқтисодий билим асослари» ва «давлат ҳуқуқи асослари» фанининг ўқитилишига муҳим сиёсий вазифа сифатида қаралаётганлиги иқтисодиётнинг сиёсатдан устиворлигига, демократик ҳуқуқий давлат қуришга асосланган жамиятимиз учун бошланғич пиллапоя ҳисобланади. Бутун таълим тизимини ислоҳ қилиш, ёшларга иқтисодий билимлар беришни ҳам давр талабига мос ҳолда қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Файзулла ТОЛИПОВ,
Низомий номидаги ТДПИ аспиранти.

Tadbir

«ГЎЗАЛЛИК ДУНЁНИ ҚУТҚАРАДИ»

Аслида бирор-бир нарсага қизиқиш инсонда болалик кезлариданоқ бошланади. Агар мана шу пок, самимий туйғулар катталар томонидан ўз вақтида илғанса, куртак ёзиб, келажакда кўзланган натижани беради. Яқинда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Ийк-ота» жамоа хўжалигида ўтказилган ногирон болаларнинг «Дунё — ранглар жилосида» деб номланган халқаро кўриктанловида ана шу руҳ уфуриб турди.

Республика Халқ таълими, Молия вазирлиги, республика Ногиронлар жамияти ҳомийлигида ўтказилган кўрик-танловда Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, лицейларнинг 54 нафар иқтидорли ўқувчилари иштирок этишди.

Болалар дастлаб ўз қўллари билан чизган ва тайёрлаган расмларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари ҳукмига ҳавола этишди.

Синфхона столи устига болакайлар чизган расмлар ўта нозик дид ва нафосат билан териб қўйилган. Бу расмлар шундай нозик дид билан ишланган эдики, беихтиёр жажжи рассомларнинг ноёб истеъдодига тасанно айтасиз. Гап шундаки, расмларда болалик ҳайратлари, содда ва беғубор дилларнинг самимийлиги чуқур мушоҳадалар орқали амалиётга кўчган.

Сир эмаски, болалар янгиликнинг, гўзалликнинг шайдоси. Буни болажонларга хос беғуборлик, поклик, уларгагина тааллуқли бўлган самимийлик уфуриб турган расмлардан ҳам тезда илғаш мумкин.

Гулзорга кирган киши ҳайратдан қотиб қолиши, бир сония гўзалликнинг сеҳрли жозибасидан эсанкираши тайин. Ҳақиқий санъатдан ёки адабий асардан, табиий гўзалликдан ҳайратланмаган қалбнинг кўзлари очиқ эмас, сўқир.

Деворлардаги турли нақшлар, ҳар хил расмлар ўқувчиларнинг эндигина ниш кўрсатаётган истеъдодидан, ҳаётга бўлган қизғин муҳаббати ва ҳайратидан нишона эди.

— Бу кўрик-танлов ногирон болаларнинг ўзига хос мулоқотидир, — дейди Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим бош бошқармасининг мутахассиси Зулфия Эшмуҳамедова. — Уларнинг расмлари гўёки бир-бирини тўлдиради, мактаб ўқувчиларини нималар ҳаяжонга солаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Болалар чизган расмлар бўёқларнинг ёрқинлиги, дадиллиги, атрофдаги оламни тасвирлашдаги эркинлик билан ажралиб туради. Тафаккурдаги жонлилик — бизнинг болажонларимизга хос хусусият. Улар чизган манзара, портрет, муаллифларнинг ички дунёсини, руҳий ҳолатини акс эттиради. Болакайлар чизган расмларда ҳаётбахшлик нафаси уфуриб турганини адоҳида қайд этиш керак.

Расмларга термулиб ўтириб, сеҳрланиб қолгандек сезасан ўзингни. Ва кўнгилдан бир талай фикрлар ўтади. Бу ерда тинчлик мавзусида ишланган эскизлар, расмлар, нақшлар, мойбўёқдаги портретлар ниҳоятда бисёр. Қани энди, шу амалий санъат қалдирғочлари асарларининг кўргазмаси тез-тез ташкил этилса.

Кўрик-танлов ниҳоясида халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов барча иштирокчиларга бир сидра кийим-кечак ва қимматбаҳо совғаларни тошширди.

Улуғбек АКТАМ ўғли.

ГИРРОМ «ЙИҚИТИШ»

ҲИКОЯ

Сиз Ўнар полвонни билмайсиз. Бироқ, билганлар орасида ҳам турлича фикр бор. Кимдир уни ўта ўжар деса, яна кимдир, «қўйдек ювош» деб мақтайди. Нима бўлгандаям Ўнар полвон бу дунёда ўзига хос бетакрор яралган. У баланд бўйли, хушбичим, қотмадан келган, қўл-оёқлариям расо йигит...

У кураш тушади, улоқ ҳам чопиб қўяверади. Полвоннинг ўзи айтишича, у кишининг «туя чил»ларига тушиб қолса, осмон ҳам чалқанчасига йиқилармиш. У кишининг ҳали ўрганишга лойиқ бўлган бир қатор одатлари ҳам бор. Айтайлик, ўзларининг лаблари атрофида қотиб қолган носларидан бехабар, аёлларининг юзларига суриб юришган упанинг устидан ҳам кулиб юраверади.

Ҳақни тан олиш керакки, Ўнар полвоннинг танида бир қатор ноёб иқтидорлар мужассамлашган. Айтайлик, қишлоқда кимнинг моли «қилов» бўлса, полвондан бошқа табиб йўқ. Эшакни «нахна қилиш» масаласидаям у якка-ю ягона мутахассис ҳисобланади. Полвондаги энг зўр туғма иқтидорнинг яна бири «нота-пота» билан ҳисоблашиб ўтирмасдан оддий ликопча билан қўшиқ куйлаш. Эҳ, Ўнар полвон «Саётхон боғдадир, боғда»ни айтсалар-ми. Ҳа, менинг фикри ожизимча, юрагида севги-муҳаббат дарди ошён қурган инсонгина ана шундай куйлай олади...

Қишлоқлик ўспирин Жамолхон Ўнар полвоннинг «ўн олти» милтиғини сўраб олиб, овга чиқиб келиш ниятида, бир кеча-кундуз давомида полвон билан муомала қилиш қоидаларини «назарий» жиҳатдан ўрганди...

Ҳулоса шулки, полвон ўзига маъқул тушган одамга ҳали битта «ўн олти» милтиқ экан, керак бўлса жисмидан юрагини ҳам шартта суғуриб беради. Бироқ гапи тушган одамга қўшнисининг дарвозаси ёнидаги ўтган-қайтганга халақит қилиб турган кераксиз тошни ҳам олдиргани қўймайди.

Улоқчи отини «қашов» қилиб турган полвон қўлини кўксига қўйганча одоб-икром билан келган Жамолхон билан истар-истамас сўрашди.

«Полвон ака, овга чиқмоқчи эдим, милтиғингизни бериб турасизми, деб келган эдим». Жамолхоннинг оғзидаги гапи оғзида, бўғзидагиси бўғзида қолди. Ўнар полвон гапни «чўрт» кесди: «Ҳали ов қилишга ёшлик қиласан, ука. Бор тағин бир-икки қовун пишиғи ўтсин, кейин келасан!»

Жамолхон ўзини «ўйламай-нетмай» полвоннинг ноқулай томонидан бориб қолганини сезади: «чаппа айланибман...» У бироз нафасини ростлаб, Ўнар полвоннинг маъқул томонидан айланди: «Полвон ака, шу отингизга «беш» кетаманда! Ўзиям қишлоқда бунга тенг келадиган от йўғов!»

Жамолхоннинг «давра айланиши» полвонга маъқул тушди, шекилли, унинг чеҳраси бироз ёришгандай бўлди. Аммо, барибир, у рақибига эътироз билдирди: «От дема, у ҳали ёш. «Ғунон» деб айт! Жамолхон ўзини ростлаб, «кураш»га шайланди: «Менам «ғунон» демоқчи эдим, от деб юборибман. Ҳа, тунов кунги тўйда сиз улоқни роса ҳалоллаб айирганингизда баковулнинг «ғунон»нинг зотини бер!» дегани эсимда.

Жамолхон бир амаллаб, полвон билан ушлашиб олди. Энди у «чил солиш»га фурсат пойлаяпти: «Полвон ака, «ғунон»ни қаердан олгансиз ўзи?»

«Бунинг онаси Қорақиядаги тўриқ бия, отаси «давман». «Давман»ни биласанми? Уни ҳамма билади! Неча йиллар Сурхон ва Қашқани тўхтатган улоқчи от-да!» — полвонам эркин олиша бошлади. «Эй, қойил, «Ғунон»нинг отасиям, онасиям эл таниган отлар экан». Жамолхон «чилни ичдан илдирди». У янаям ўнғатайини олиб бориб, кутилмаганда ўта қалтис усул қўллади — «ғунон»нинг бошини силаб, «ғунон»нинг пешонасига бошини қўйди. Жамолхон фурсатни қўлдан бермай зарб билан «чил»ни ўзига тортди: «Полвон ака, сизга ҳавасим келади. Қанийди, менинг ҳам шундай зўр «ғунон»им бўлсайди!»

Ўнар полвон чалқанчасига «йиқилди»: «Укажон, мен аҳмоқ сендай «ғунон»имни яхши кўриб юрган йигитдан бир милтиқни аяб ўтирибманми!». У шундай дея уйидан «ўн олти»ни олиб чиқиб Жамолхонга тутқазди: «Ма, ол! Ҳафтами, ўн кунми ов қилавер!» Жамолхон ёқалашмасдан полвонни йиқитиб, «зоти»ни олиб дарвозага етганда «ғунон» кишнади. У тўхтади, ортига бурилди-да, полвонга эшиттириб «товушингданай» деб юборди.

Полвон яқин келиб, «рақиби»га меҳр тўла кўзларини қададди-да, йиқилганини тўлиқ тан олди: «Ука, шу «ўн олти»ни сенга бердим, олиб кетавер!»

Жамолхон чуқур миннатдорчилик билдириб, кўчага чиқди. Дарвоза ёпилди. Ҳовлида «ғунон»нинг яна кишнаган товуши эшитилди. Жамолхон секин ғудурланди: «Овозинг ўчсин!» Ҳа, Жамолхон, Ўнар полвонни алдаб-алдаб йиқитди, ғирром йиқитди.

Абдували ОБИДДИНОВ.

Xullas...

КИТ ҚАНЧА ЯШАЙДИ?

Бу саволга билағон зоолог олимлар «ўртача қирқ йил» дея хотиржам жавоб беришлари тайин. Чунки анчадан бери дунё зоологлари шундай хулосага келишган. Бироқ яқинда Греландия ороллари яқинида эскимос овчилари тутган баҳайбат кит олимларни хийла бош қашлатиб қўйди. Ахир, китнинг бандидан эскимосларнинг ота-боболари бундан бир аср аввал балиқ овида ишлатган найза тиғлари қолдиқлари топилганди. Ё, пирай, наҳотки, бу баҳайбат махлуқ юз йилдан бери тирик бўлса?!

ИС БИЛАР МАШИНАЛАР

Ўта билағон, кашфиётчи япон олимлари яна бир карра дунё жамоатчилиги диққатини ўзига қаратишди! Туғрироғи, ўзлари ихтиро қилган ис билар машиналарга қаратишди. Бу машиналарни манман деган «учар»лар ҳам ўғирлаб кетолмаса керак, ҳойнаҳой. Чунки бу автомобилларнинг ичига ғаройиб мослама ўрнатилган бўлиб, калитни бурашдан олдин ҳайдовчи салондаги махсус қурилмага бир неча бор пуфлаши керак. Агар ис автомобиль эгасиникига тўғри келсагина мотор ўт олади.

ЭСТОНЛАРНИНГ ИСЁНИ

Эстония ҳукумати Вилянди деб аталадиган шаҳарча жамоатчилиги йўлга қўйган тартиб-интизомни бутун мамлакат бўйича қўллашга қарор қилди. Хўш, Виляндида нима гап? Бу ерлик раҳбарлар, оқсоқоллар беҳаё сурату китобларни, кинофильмларни кенг тарқатишни, уларни реклама қилишни қаттиқ чеклаб қўйдилар. Энг қизиғи шундаки, бундай таъқиқдан мазкур бизнес корчалонлари оғринишмаяпти. Ё, бундай тирикчилик уларнинг ҳам жонига тегишган, ё... ёш авлод тарбиясини бузишга виждонлари йўл қўймаяпти...

ana shunaqa gaplar

Sport maydonchasi

ОСТОННИНГ ИККИ ОЛТИНИ

Югославия Федерациясининг энг машҳур шаҳарларидан бири ҳисобланган Будвада фахрийлар ўртасида курашнинг самбо тури бўйича жаҳон биринчилиги мусобақаси ўз ниҳоясига етди. Беллашувда юртдошимиз Остон Чўлиев ҳам иштирок этди. У ўз вазни бўйича курашиб, иккита олтин нишон ва жаҳон кубоги соҳиби бўлди.

ВЛАДИСЛАВНИНГ ҒАЛАБАСИ

Юртдошимиз 17 ёшли Владислав Нам Санкт-Петербург шаҳрида поёнига етган таэквандо бўйича Х жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, олтин медални қўлга киритди. Владиславнинг катталар ўртасида ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши, шубҳасиз, қувончли ҳолдир.

«КРОАЦИЯ» ЯНА ПЕШҚАДАМ

Хорватияда ҳам мамлакат 6-чемпионати ўз ниҳоясига етди. Загребнинг «Кроация» жамоаси барча учрашувларда ниҳоятда чиройли ўйинлар намойиш этиб, 81 очко жамғарган ҳолда бош соврин эгаси бўлишди. «Хайдук» ва «Хорватия Драговляц» жамоаларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

КОРНЕЕВ «БАРСЕЛОНАДА»

Ҳозирга келиб Испания чемпионатининг биринчи дивизионида 10 та россиялик футболчи тўп сурмоқда. Шуниси қизиққи, Барселонанинг «Эспаньол» жамоаси мавсум бошида Игорь Корнеев билан шартнома тузишини истамаганди. Бироқ ҳеч кутилмаганда Корнеев машҳур «Барселона» клубига ўтиб кетди.

КАСПАРОВ ВА КРАМНИК

Новгород шаҳридаги супергроссмейстерлар турнирида жаҳон чемпиони Гарри Каспаров ғолиб бўлган бўлса, Германияда бўлиб ўтган иккинчи бир нуфузли мусобақада жаҳон рейтинг варақасида иккинчи бўлиб турган россиялик гроссмейстер Владимир Крамник биринчи мукофот соҳиби бўлди.

ТЎРТЛИКЛАР

Гоҳо ғамгин, гоҳо шодон юрамиз,
Гоҳо бетоб, гоҳо омон юрамиз.
Тилимизга бериб-бермай эътибор
Гоҳо доно, гоҳо нодон юрамиз.

* * *

Худо ато қилди бизга ширин жон,
Ҳатто ер, сув, ҳаво ва чексиз осмон.
«Ол, яшайвер», деди, биз яшаяпмиз,
Гоҳо одам, гоҳо бўлиб бир шайтон.

* * *

Майлига, ҳар сўзинг бўлмаса бийрон,
Лек ишонч порласин нурдек намоён.
Ишончдир зийнатинг, буни йўқотсанг,
Ҳисобла ўзингни бўш қолган гулдон.

* * *

Фарзандим бор деб қувонма, эй, дўст,
Чин орқа тоғим деб ишонма, эй, дўст.
Гар ота сўзига қилмаса, таъзим,
Фарзандим деб тилингга олма, эй дўст.

Улуғбек ОТАМУРОДОВ,
Галлаорол туманидаги 39-мактаб тил-адабиёт ўқитувчиси.



Дўстлик қанча давом этаркин?

Xotira

ҲАР СОҲАДА БИРИНЧИ ЭДИ

Марказий Осиёда фаннинг тараққиёти ва унинг равнақи, халқ маорифининг ривожланиши, такомиллашиши, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг ташкил топиши ва уларнинг малакали миллий кадрлар билан таъминланишида академик Т.Н.Қори-Ниёзийнинг қўшган ҳиссалари жуда катта.

Узбекистон Фанлар Академиясининг академиги бўлган бу олийжаноб инсоннинг хизматлари қанчалик муҳим ва қимматлилигини унинг кўп соҳаларда биринчи бўлиб иш бошлаганлигида ва шу соҳани ривожлантиришида белгиланади.

Академик Т.Қори-Ниёзий Узбекистонда халқ маорифининг биринчи ташкилотчилари ва тарғиботчиларидан бўлган, илк бор узбекча математик терминларни ишлаб чиқиб, узбек тилида дарсликлар яратган.

Бундан ташқари у зот узбеклардан чиққан биринчи физика-математика фанлари доктори, биринчи Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, биринчи маориф министри, Узбекистон Фанлар Академиясининг биринчи академиги ва президенти, узбек олимлари ичида биринчи давлат мукофоти лауреатига сазовор бўлган инсондир.

Шу нарсани эслатиб ўтиш зарурдирки, маҳаллий миллат талабалари учун ўз она тилларида адабиётлар йўқлигини ҳисобга олиб, Т.Қори-Ниёзий 1928 йили араб алифбосида «Аналитик геометрия асослари», 1931 йили «Текисликдаги аналитик геометрия», 1932 йили «Фазодаги аналитик геометрия» ва «Математик анализ курси» китобларини чоп этадилар ва бу ёшларнинг математика фанини эгаллашларида беқиёс катта ёрдам беради.

Ажойиб аллома, моҳир ташкилотчи, меҳрибон ва ўта талабчан устоз, фаннинг кўп соҳаларида ҳормай-толмай илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Устознинг, айниқса, математикани ривожлантиришдаги хизмати ниҳоятда салмоқлидир. Маҳаллий миллат фарзандларининг математика сирларини ўрганиб, бу борада дунё математиклари қаторидан ўрин олганлиги ҳам бу ажойиб қалб эгасининг номи билан бевосита боғлиқдир.

Олимнинг математикадан ташқари астрономия, фан, маданият ва маориф тарихига оид илмий ишлари унинг кўпқирралы билимдонлигидан дарак беради.

Олимнинг 1950 йили Москвада чоп этилган «Улуғбекнинг астрономия мактаби» номли асарида Улуғбекнинг астрономия мактабининг шаклланиш тарихи ва уларда олиб борилган илмий-тадқиқотлар, Улуғбек расадхонасининг асосий қуроли—секстантнинг тузилиши, ишлаш принциплари келтирилади.

Олимнинг «Улуғбекнинг астрономия мактаби», «Узбекистон халқлари маданияти тарихи очерклари» асарлари орқали жаҳонга танилган ва жаҳон астрономия жамиятига аъзо, жаҳон тиббиёт ва техника тарихчилари Миллий Совет бирлашмаси аъзоси қилиб сайландилар. Бу соҳанинг билимдони сифатида Италияда, Японияда, Ҳиндистонда, Польшада, Дания ва бошқа қатор хорижий давлатларда ўтказилган конгресс ва симпозиумларда сермазмун маърузалар билан қатнашдилар. Т.Н.Қори-Ниёзий серқиррали олимгина бўлиб қолмай таниқли давлат ва жамоат арбоблари ҳам бўлганлар.

Узбекистонда фан, маориф, маданият ва санъатни ривожлантиришга салмоқли ҳиссасини қўшган устозимиз, академик Қори-Ниёзийни биз шогирдлар ҳурмат ва эҳтиром билан эсга оламиз ва у кишининг хотираларини доимо эсда сақлаймиз.

Э.ФАЙЗИБОЕВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги «Олий математика» кафедрасининг мудири, профессор.

Aks-sado

ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМАН

«Маърифат» газетасининг 9 июль сонида босилган «Ҳокимнинг ибратли қарори» мақоласида бир ибратли иш ҳақидаги фикрларни ўқиб жуда қувондим.

Унда ёзилишича, Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев ўз ҳудудида «Халқ таълими фидойиси» кўкрак нишони ва «Маърифат машъали» мукофотлари таъсис этибди. Мен ана шу қарорда фахрий нишонга сазовор бўлганларга маҳаллий бюджет ҳисобидан ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида устама ҳақ тўланишини, «Маърифат машъали» мукофоти соҳиблари эса бир йўла энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида пул мукофоти олишлари ҳам қарорда белгилаб қўйилганини ўқиб жуда мамнун бўлдим.

Бу Президентимиз Ислом Каримовнинг 1996 йил 9 сентябрда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида катта-кичик раҳбарларга қарата айтган сўзларига амалий жавобдек туюлди. Назаримда юртбошимизнинг фикрини Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёев тўғри англаган. Бундай раҳбарларнинг садаги кетсанг арзийди. Шубҳасиз, вилоят ҳокими қарори жуда чуқур ўйланиб қабул қилинган. Чунки бошқа касбларга (санъаткор, ҳунарманд, шифокорларга) нисбатан ўқитувчининг қўшимча даромади кам. Шу туфайли мазкур ибратли тадбир аввало, ўқитувчининг обрўсини юқори даражага кўтарса, иккинчидан, унинг моддий аҳволининг яхши бўлишига имкон беради.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

НИМКОСА ГАПЛАР

ҚЎЙ

Қўй айтар экан: Биз қўймиз, тилимиз йўқ. Ферма мудиримиз куппа-кундуз куни бизни ўғирлаб кетавераді, кўрамиз, лекин на раисга ва ҳокимга айта оламиз...

КУРСИ

Бозор иқтисодиёти, нарху навo осмонга кўтарилган кунларда мансаб курсини олиш жуда қийин бўлди, уни сақлаб қолиш эса ундан ҳам мушкулроқ бўлмоқда...

АЁЛ «ШОИРА»

Ҳали бирорта асари чиқмаган бир аёл — ҳаваскор «шоира» деди: Мен дунёда иккита ижодкорни тан оламан. Аёлларидан ўзимни, эркакларидан эса Чингиз Айтматовни!

БЎРИ

Айиқ бўрининг қулоғига ибратли ҳикматлар айтар эди. У «тақсир, қисқароқ қилинг, қўйлар ўтиб кетмасин» — деди.

БУҚА

Буқани бошлиқ қилиб тайинладилар. У айтди: — Пичан ғарамнинг ҳаммаси менга тегишли.

БЕНОМУС

Беномус одамнинг юзига тупуришди.

У айтди: — Худога шукр ёмғир келяпти.

КАМБАҒАЛ ВА БОЙ

Бир камбағал тошбақани ебди, дейишди.

— Очликдан-да, очликдан...

Бой тошбақани ебди, дейишди...

— Дорида, дори, — жавоб қилдилар,

«ХУДОЖЎЙ» ЎҒРИ

Бир художўй ўғри кечаси ўғрилик қилаётиб шундай дебди:

— Гуноҳимни кечир, Ҳабибим. Шу кеча қўлга тушмасам, бундан кейин асло ўғрилик қилмайман.

БАЛИҚ

Бир балиқ иккинчисига айтди:

— Нарироқ тур!

— Яна қаерга суриламан, иккаламиз бир тўрга илинганмизку!

Мирфайз КОЗОҚОВ,
Пешку туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар ижодиёти уйининг директори.

ЭЪЛОН

Зангиота тумани Бобур номидаги 6-мактаб томонидан Музаффар Ҳайдарович Ботиров номига берилган OR A 013933 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

***

Бекобод тумани И. Сотиболдиев номидаги 2-мактаб томонидан 1989 йилда Муротали Мухторович Холиқов номига берилган № 781845 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Рустам БОЙМАТОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г- 0451. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди—19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6